


Ўзбекистонлик имомлар Россияда диний-маърифий суҳбатлар ташкил этади



07:05 / 22.09.2018 6591

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги саккиз нафар имомлар Россия Федерациясининг Свердловск минтақасида диний-маърифий суҳбатлар ўтказиш учун жўнаб кетдилар.



Улар Тошкент шаҳридаги "Тўра бува" жоме масжиди имом-хатиби Ҳамдамов Шавкат, "Дўстжонбой" жоме масжиди имом-хатиби Атажонов Баҳром, "Али ибн Абу Толиб" жоме масжиди имом-ноиб Мирсадиқов Нурулла, "Қатортол" жоме масжиди имом-хатиби Алимов Абдор, "Шайх Зайниддин" жоме масжиди имом-хатиби Абдукаримов Ҳусниддин, "Катта Қозиробод" жоме масжиди имом-хатиби Юнусов Абдуқаҳҳор, "Новза" жоме

масжиди имом ноиби Убайдуллаев Ислом ва "Хўтан" жоме масжиди имом-хатиби Мамадалиев Абдумалик Россияга хизмат сафарига юборилди. Диний-маърифий суҳбатлар Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон фуқаролари билан ташкил этилади. Ушбу тадбирлар Свердловск муслмонлари диний идораси томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати